

Комил инсонни тарбиялашда болалар етакчисининг урни

ВДПИ т.фл!..доц. Б.У.Аминов

II курс инглиз тили йуналиши

талабаси Н.Вахобова

Хар томонлама етук. комил инсонни тарбиялаш бугун жамиятимиз олдида турган долзарб масалалардан бири булиб келмокда. Республикамиз Президента 1Делом Каримов "Юксак маънавият-енгилмас куч" китобида ёзганидек: "Одобли, билимдон ва акдли, меҳнатсевар, иймон-эътикодли фарзанд нафакат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир". Ана шундай фарзандни тарбиялаш учун эса, хар бир оилада аник бир мақсад булиши керак. Энг мухими, фарзандларимизни нафакат булажак ота-она ёки ака-ука, опа-сингил сифатида, балки жамиятнинг хакикий онгли фукароси, келажагига ишонувчи, унга садокат билан хизмат килувчи инсон, ватанпарвар, посбон сифатида хдм тарбиялашга эътибор беришимиз лозим. Чунки жамиятамызда руй бераётган му[^]им ижтимоий, иктисодий ва сиёсий узгаришлар ёшлар онгига таъсир килмасдан колмайди. Бу масъулиятли вазифаларни бажаришда болалар етакчисининг уР^{ни} алох,идадир.

Болалар етакчиси-мактаб болалар, у^{сми}Р^{ла}Р уюшмасининг ташкилотчиси ва тарбиячиси сифатида синфдан хдмда мактабдан ташкари тарбиявий ишларни олиб боради. У фаол ёшлар, жамоатчилик билан бирга болаларда Ватанга, халкка нисбатан мухдббат ва содиклик х,иссини тарбиялайди, юксак ахлокий фазилатларни таркиб топтиради, уларнинг билимига булган кизикишини доимо ривожлантириб боради, уларда меҳнатга мухаббат уйготади. Укувчилар жамоасини уюштиради ва тарбиялайди. Мактаб жамоасининг тенг хукукли аъзоси булиб, ота-оналар, мактаб укитувчилари, синф рахбарлари, маънавий-маърифий тарбия ишлари буйича директор уринбораСи, мактаб директори ва бошка давлат нодавлат ташкилотлари билан хамкорликда иш олиб боради.

Умумтаълим мактабларида дарсдан ташқари вақтларда тарбиявий ишларни таъжйил этиш ва утказишда мактаб болалар етакчиси хамда "Камолот" ёшлар ижтимоий харакатининг роли анча ошди. Болалар етакчиси мактаб "Камолот" ёшлар ижтимоий харакати билан хамкорликда синфдан ташқари тарбиявий ишлар ташаббускори ва ташкилотчиси хисобланади. Болалар етакчиси синф рахбарлари, уқитувчилар жамоаси билан мустахкам алоқа боғлаб, тарбиявий ишларни йулга қуйишнинг қупгина масалаларини улар билан хамкорликда хал этишлари керак.

Мактаб директори "Камолот" ёшлар ижтимоий харакати билан келишилган холда таъжрибали ва етарли маълумотга эга булган шахслардан болалар етакчисини тайинлайди. Унга болалар хаётига йулга қуйиш, жамоани уюштириш ва уни тарбиялаш масъулияти юкланади. У болалар етакчиси сифатида уқувчиларнинг хар томонлама камол топиши, улар орасида меҳнатсеварлик каби тарбиявий ишларни ташкил қилишда фаолият юритади.

Болалар етакчисининг асосий вазифаси уқувчиларга тарбия бериш ва уларни дустона бир жамоа қилиб жипслаштиришдан иборат. У тарбия бериш воситалари орқали уқувчиларни "Умумий уР^{та} таълим мактабининг намунавий устави"га риоя қилишгаургатади. У йил бошидаёк барча синфлар хақида умумий маълумотлар олишга харакат қилади. Бунда синф фаоллари, сардорлари хамда тарбияси огир болалар хақида тулик, маълумотга эга булиши керак. Шу билан бирга унда синфдаги тарбиявий ишлар буйича турли йуналишда ташкилотчи булган уқувчилар руйхати булиши керак. Мазкур уқувчиларнинг фаолларидан иборат "Камалак" болалар ташкилоти учун гурухлар ташкил қилади. Хар хафта мобайнида гурух рахбарлари ва хар бирг Синфнинг шу йуналишга масъул уқувчилар билан уқувлар ташкил қилади.

Болалар етакчиси синф . рахбарлари билан келишган холда уқувчиларнинг крбилияти, истак-хохишига караб уларни тугаракларга жалб этишга ёрдам беради. У уқувчи ёшларга эркин ёрдам беради. У уқувчи ёшларни эркин фикрлаш, хаёт мазмунини тушуниб олиши, уз-узини идора ва

назорат кила билишига кумаклашади. Укувчиларнинг миллий, умуминсоний кадриятлар, Ватанимизнинг бой маънавий мероси билан таништириш, маданий ҳамда дунёвий билимларни эгаллаш, малака хосил килдириш, эстетик тунгунчаларини шакллантиришга ёрдам курсатади.

У тарбиявий ишлар жараёнида ёшларимизга нисбатан ахборот хуружларини уюштириш, "оммавий маданият" шаклидаги пухта никрбланган таҳдид ва таъсирлар утказишга ҳаракат килаётган турли оқимларга қарши курашда укувчиларнинг мафкуравий иммунитетини шакллантиришга хизмат киладиган барча тадбирларда фаол бўлиши лозим.

Болалар етакчиси тарбиявий ишларни йулга қуйиш жараёнида укувчиларнинг нафакат ёш хусусиятларини, балки улар билан яққа тартибда ишлашни ҳам ҳисобга олиши керак. Маълумки, болалар бир-биридан уз ҳулқи, характери, қобилияти, қизиқиши, қандай ишга мойиллиги билан ажралиб туради. Ҳар қайсисининг уз фикри, қечинмалари, орзу-хаваслари бўлади. Укувчиларнинг хусусиятларини яққа тартибда урганиш шун қурсатадики, айрим угил-қизлар қатталар таъсирига осонроқ берилади. Тарбия жараёнида угил-қизларга ҳос хусусиятларни ҳам ҳисобга олиш керак. Баъзи мактабларда ҳозиргй қунда угил болаларнинг ижтимоий фаоллиги сусайиб бораётгани қузга ташланмоқда. Жамоат ишларида ақсарият қолларда қизлар иштирок этмоқда. Бу қол айрим мактабларда болаларни қизиктирадиган туризм, техника-моделчилик ва бошқа ишларни ташқил этишга қам эътибор берилаётгани билан изохланади. Угил болалар узлари севған ишлар билан шугулланиб, қамма вақт қам масъулият талаб қиладиган ташқилотчилик ролини бақаравермайдилар. Улар қакат ижро этувчилик вақифасинигина бақариб қолмоқдалар. Бу қол уларнинг жамоат ишларида фаоллиги пасайиб қетишига олиб қелмоқда.

Шундай қилиб, болалар етакчиси уз ишида муваффақиятга эришмоги учун тарбиянинг ақосий йуналишларини яқши билиши ва тарбиявий ишлар вақифалари қамда мазмунини белгилаб олишда, шунингдек, бу ишларни амалга ошириш шакл ва услубларини танлаб олишда бу қижатларга доимо амал қилиши дарқор.

Болалар етакчиси ижтимоий-фойдали ишларни ташкил этиш, саёхатларга тайёрланиш ва уларни утказиш, китобхонлар конференциялари, бахс-мунозаралар, фан ва техникага багишланган кечалар утказишда ёрдам берадилар. У уз ишларини мактаб маъмурияти ва болалар ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб боради. Шунинг учун унинг фаолиятини ривожлантириш умуммактаб ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий харакати ишининг режалаштирилиши билан узвий боғлангандир.

Тарбия ишларини режалаштириш ва ташкил этишда тарбиянинг имкон борица асосий вазифаларини камраб олишга харакат килиш жуда мухимдир. Шунини инобатга олиб, болалар етакчисининг тахминий иш режасини тузиш буйича куйидагиларни тавсия этамиз: болалар етакчисининг иш режаси лунда ва тушунарли холда ёзилиши лозим. Унда бажариладиган тадбирларнинг муддати аниқ, курсатилиши керак.

Иш режа укув йилига мослаб тузилиб, шу асосда ярим йиллик, чораклик, хафталик иш режа тузилади. Иш режада куйидаги булимлар булиши мумкин:

1. Утган укув йилидаги тарбиявий иш жараёнининг тахлили ва янги укув йили вазифалари.
2. Маънавий-маърифий тадбирлар.
3. Хучсукий тарбия.
4. Ижтимоий-иқтисодий мазмундаги ишлар.
5. Спорт, жисмоний тарбия ва саломатлик.
6. Экологик маданият ва санитария холатини яхшилаш.
7. Мерос.
8. Ватанправарлик.
9. Меҳр-шафкат.
- Ю.Нафосат.
- 11.Укув-тарбия ишлари.
- 12.Меҳнатсеварлик ва касбга йуналтириш.
- 13.Халқаро фаолият.

Болалар етакчиси уз иш режасида куйидаги йуналишларни акс эттириши мумкин:

Турли хил тадбирлар; уинлар, кургазмалар, куриклар; анъанавий байрамлар; саёхатлар уюштириш; машхур кишилар билан учрашувлар; дустлик. фестиваллари; укувчиларни турли хил тугаракларга жалб этиш; укувчилар ёзги таътилини ташкил этиш; оромгоҳдарда ишлаш; болалар ҳуқуқдарини ҳимоя қилиш; болалар ва усмирлар уюшмаси билан ишлаш; фаоллар кёнгаши ишлари ва укувини ташкил этиш; укувчилар хонасини жихозлаш, гуруҳ етакчилари ва уқитувчилар учун керакли булган услубий материаллар билан бойитиш; ёшларни эркин, мустиқ фикрлашга ургатиш; соғлом турмуш тарзига интилишни тарбиялаш; меҳнатга ижодий ёндашиш фазилатларини шакллантириш; давлат ва жамоат ташкилотлари билан ишлаш; синф раҳбари, фан уқитувчилари билан алоқа урнатиш; укувчилар томонидан сабабсиз даре қолдирилиши сабабларини урганиш; укувчиларнинг қизиқишларига қараб, турли мавзуларда суҳбат утқазиш; укувчилар томонидан содир этилган вазиятни таклил этиш; укувчиларни газета ва журналларга обуна бўлишига қизиқтириш; укувчилар уртасида йул ҳаракати ҳавфсизлиги бўйича тадбирлар утқазиш; "Қамалақ" йуналишлари бўйича танловлар утқазиш; укувчиларнинг жамоа ишларида фаол иштироки (қандай янгилик билан укувчи жамоа ишида иштирок этмокчи); укувчилар онгидаги ҳамда ҳулқ-атворидаги салбий ҳусусиятларни бартараф қилиш; ота-оналар ва маҳалла билан ишлаш ("Оила, маҳалла, мактаб концепцияси" асосида); тарбияси оғир ва педагогик назоратдан четда қолган укувчилар билан ишлаш; укувчиларнинг даредан буш вақтларидан тугри фойдаланишини ва уларнинг ижодий қобилиятларини устириши ва ҳар томонлама қамол топтиришга ёрдам бериш;

Укувчилар билан олиб борадиган ҳар хил тадбирларни давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда утқазиш ва бошқалар.